



YOSHILAR OVOZI

№51 (16356) 2019-YIL 26-IYUN, CHORSHANBA

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

www.yoshlarovoz.uz

yoshlarovoz@umail.uz

@Yoshlarovoz

Сайтнинг асосий уювчи: Қўқоқдаги телебўғимнинг оғирлиги сўраб



ТОШКЕНТНИНГ ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ, МАДАНИЙ ВА БИЗНЕС МАРКАЗИ СИФАТИДАГИ НУФУЗИ ЮКСАЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 июнь кунини Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб "Tashkent City" халқаро ишбилармонлик марказининг қурилиш майдонига ташриф буюрди.

Ушбу замонвий бизнес маркази саккизта лотга ажратилган ҳолда барпо этилмоқда. Шу пайтгача 7 миллион куб метр туپрок ишлари бажарилди, 50 дан зиёд бинога мустахкам пойдевор ўрнатилди. Бугунги кунда бетон қаркаслар ва деворлар қурилиб, муҳандислик тармоқлари тортилмоқда.

Конгресс-холл ва "Hilton" меҳмонхонаси қурилатган 5-лот энг илғор майдонлардан бири. Ушбу биноларда темир-бетон, металл конструкция ва том ёпиш ишлари якунланиб, қурилиш ҳажмининг 80 фоиздан зиёди битган. Ҳозир электр тармоқларини монтаж қилиш, ички пардозлаш ва механика ишлари бажарилмоқда.

Давлатимиз раҳбарига аввалги ташриф чоғида кўрсатмаларнинг ижроси ҳақида маълумот

берилди. Жумладан, Конгресс-холлда барча форматдаги халқаро тадбирлар ташкил этиш учун замонвий шароитлар яратилмоқда. Бу ерда йирик саммитлар, нуфузли анжуманларни юқори савияда ўтказиш имконияти пайдо бўлади. Хорижий делегациялар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, хизмат кўрсатувчилар учун зарур қулайликлар яратилади.

Президент Конгресс-холлга туташ қурилган 21 қаватли беш юлдузли "Hilton" меҳмонхонасини кириб кўрди. Маҳаллий ва хорижий инвесторлар билан суҳбатлашди.

"Tashkent City" шаҳарсозлик ва туризм йўналишида энг яхши тажрибани ўзида мужассам этади. Хусусан, унинг марказида барпо этилаётган 60 метрли мусикали фавворага эга боғ яна бир туризм объекти бўлади. Ландшафт дизайни асосида қуриладиган боғда сунъий кўл, гуллар парки бўлиб, мажмуа манзарасига бошқача кўрк бахш этади.

(Давоми 2-саҳифада).

БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИКДА КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 июнь кунини мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, бу борада жорий йилнинг биринчи ярмида кутилаётган натижалар ва сифат ўзгаришларини таҳлил қилишга бағишланган йилги иш ўтказди.

Фаол инвестиция сиёсати юритилиб, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга инвестициялар, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий сармоялар йўналтирилаётгани, тадбиркор ва инвесторларга ҳар тарафлама амалий қўмақ бериш бўйича таъсирчан механизмлар жорий қилиниб, изчил

амалга оширилаётгани натижасида юқори иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланаётгани кайд этилди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якуни бўйича ялпи ички маҳсулот 5,4 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 7 фоизга, қурилиш-пудрат ишлари 9,6 фоизга ва хизматлар ҳажми 13,9 фоизга ўсиши кутилмоқда. Ушбу натижаларда, аввало, ўзлаштирилган инвестициялар қарийб 1,5 баробар ўсгани энг муҳим омил бўлгани алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-саҳифада).

Ўзлари ҳам "судья", ҳам "жабрланувчи"



Иттифоқ лойиҳалари

Навқирон авлоднинг ҳуқуқий саводхонлиги ҳамда сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида Ёшлар иттифоқи Олий суд, Халқ таълими ва Адлия вазирликлари, Касб-хунар таълими маркази билан ҳамкорликда "Ёшлар ва қонун" танловини ташкил этди.

Лойиҳанинг қуйи босқичларида умумтаълим мактаблари ҳамда мактаб-интернатларида ўқиётган салкам 2 миллион нафар йигит-қиз иштирок этди. Финалда ҳар бир ҳудуддан биттадан жамоа йўланма олди. Якуний бахслар Тошкент шаҳрида ўтказилди.

Тўртта шарт доирасида ўқувчилардан малакали экспертлар олдида муайян жинсий иш бўйича суд мажлисини кўрсатиб бериш, савол-жавоблар асосида ҳуқуқий билим даражасини синовдан ўтказиш, мавзуга доир видеоролик таямлаш этиш талаб қилинди. Ука-сингилларимизнинг судья, жабрланувчи ва айбланувчи ролларини қойилмақом ижро этганини кўриб, бир томондан, актёрлик маҳорати, иккинчи томондан, соҳага чуқур қира олганига қойил қолсан, қизи. Туман мактабда тахсил олаётган қишлоқ болалари Конституция ва қонуларимизни сув қилиб ичиб юборганини қаранг! Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимининг бўлғуси жонқурларни мана шулардан этишиб чиқари-да!

Танлов ҳақидаги таассуротларни янада

ёрқинлаштириш мақсадида иштирокчилар учун Олий Мажлис Қонунчилик палатасига танишув саёхати, депутатлар ва Ёшлар комиссияси аъзолари билан учрашувлар ташкил қилинди. Амир Темур хиёбони бўйлаб экскурсияга ҳам вақт ажратилди. Бундан ташқари, турли ҳудудлар вакиллари Президентимиз илгари сурган бешта муҳим ташаббус ижроси юзасидан маданият, санъат, спорт соҳаларининг таникли вакиллари билан жонли мулоқот қилиш имкони берилди.

Ниҳоят, бир неча кунлик қизгин жараён, ҳаяжонли оилар ва бой берилган имкониятлар сарҳисоб қилинди. 1-ўринни Наманган вилоятининг "Шараф" жамоаси эгаллади. Самарқандлик ёшлардан ташкил топган "Тафаккур" жамоаси иккинчи, Қорақалпоғистоннинг "Феминда"си эса атиги бир очко фарқ билан учинчи ўринни банд этди. Ҳолиларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Рохатой КОДИРОВА

Xalqaro hamkorlik



ИССИҚКҮЛДА "ЁШБУЛОҚ" ОЧИЛДИ

Қирғизистоннинг Ёшлар масалалари, жисмоний тарбия ва спорт ишлари бўйича давлат агентлиги илк бор МДХ мамлакатлари учун "Ёшбулоқ" форум-оромгоҳини ташкил этди. "Ҳудудларни ривожлантиришда ёшларнинг ўрни" мавзуга бағишланган таълим дастурида юртимиздан олти нафар вакил иштирок этмоқда. Делегация таркиби Ёшлар иттифоқининг Навоий ва Хоразм вилоятини кенгашлари маъсул ходимлари, тадбиркор ҳамда фермерлардан ташкил топган.

Куни кеча Ўзбекистон, Қирғизистон, Россия Федерацияси ва Беларусь Республикасидан келган ёш лидерлар Иссиқкўл вилоятининг Семеновка қишлоғидаги сўлим масканга жойлаштирилди. Ҳафта мобайнида улар фавқуллода вазиятлар ва ҳарбий низолар шароитида ҳаракатланиш, тинчликни таъминлаш, барқарор ривожланиш мақсадлари, иқлим ўзгариши, оилани ружолаштириш, гендер тенгчилиги, меҳнат бозорига мослашиш, волонтерлик фаолияти каби кўплаб қизиқарли мавзулар юзасидан фикр алмашиб, янги билим ҳамда кўникмаларни эгаллайди. Маҳорат дарсларига спикер-мотиватор сифатида Қирғизистон Республикаси қонун чиқарувчи ва ижроия органлари вакиллари, жамоат арбоблари, таникли олимлар, тадбиркорлар, ижтимоий лойиҳалар яратиш бўйича малакали тренерлар тақлиф қилинган.

"Ёшбулоқ" иштирокчилари таълим олиш

билангина чекланиб қолмай, ўз халқларининг маданиятини намойиш этиш имконига ҳам эга бўлади. Шу мақсадда оромгоҳ дастурига миллий ўйинлар ва спорт мусобақалари киритилган.

Яна бир қизиқ жиҳат. Йигит-қизлар бир қанча жамоа (отряд)ларга бўлиниб, минимал қулайлик шароитида яшайди: очиқ ҳавода таом тайёрлайди ва махсус қопларда уқлайди.

Форум-оромгоҳининг очилиш маросимида Қирғизистон Республикаси ҳуқуқмати аъзолари иштирок этди. Олдинда ёш лидерларни меъзон мамлакатнинг Маданият вазири Г.Қудайбердиев билан жонли мулоқот, шунингдек, Фавқуллода вазиятлар вазирлиги, ЮНИСЕФ ва БМТнинг Тараққиёт дастури вакиллари иштирокида интерфол тадбирлар, янги танишув ва саёхатлар кутмоқда.

Н.БАХОДИРОВА

Yoshlar press-klubida

Сарҳисоб сессияси

"Ёшлар пресс-клуби"нинг Ўзбекистон ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази, Ўзбекистон ёш фермерлари кенгаши ва "Ёшлар бизнес инкубатори" МЧЖ фаолияти сарҳисобига бағишланган сессияси бўлиб ўтди.

Тадбирда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш марказининг мақсад ва вазифалари ҳақида сўз борди. Сўзга чиққанлар Ёшлар иттифоқи, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўртасида имзоланган меморандум асосида ўтган йили Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда жойлашган таълим муассасаларида "Бизнес клуб"лар фаолияти йўлга қўйилганини таъкидлади.



Шахноза НУРУЛЛАЕВА

Eshitdingizmi?

Ёшлар иттифоқининг Қашқадарё вилояти кенгаши Қосон туманидаги жазони ижро этиш муассасасида "Ҳуқуқ ва мажбурият" лойиҳасини амалга оширди.

КОЛОНИЯДАГИ МУЛОҚОТ

Иттифоқнинг маъсул ходимлари, ички ишлар органлари фахрийлари кенгаши аъзолари, Ёшлар театр-студияси жамоаси колониядаги маҳбуслар билан учрашиб, мамлакат ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, Президентимиз илгари сурган бешта ташаббуснинг мазмун-моҳияти ҳақида сўзлаб берди. Замондош адибларимиз қаламига мансуб бадий асарлар дастхати билан совға қилинди.

Шундан сўнг жазони ижро этиш муассасасидаги ёшларнинг бир гуруҳи ўз ихтиёрига кўра Ёшлар иттифоқи аъзоллигига тантанали равишда қабул қилинди. — Бу укаларимиз учун фан ва касб-хунар тўғрисидаги ёшларнинг бир гуруҳи ўз ихтиёрига кўра Ёшлар иттифоқи аъзоллигига тантанали равишда қабул қилинди. — Бу укаларимиз учун фан ва касб-хунар тўғрисидаги ёшларнинг бир гуруҳи ўз ихтиёрига кўра Ёшлар иттифоқи аъзоллигига тантанали равишда қабул қилинди. — Бу укаларимиз учун фан ва касб-хунар тўғрисидаги ёшларнинг бир гуруҳи ўз ихтиёрига кўра Ёшлар иттифоқи аъзоллигига тантанали равишда қабул қилинди.

Учрашув якунида Ёшлар театр-студияси томонидан "Оқибат қўшиғи" номли спектакль намойиш этилди.

Аҳбор СОДИҚОВ

ТОШКЕНТНИНГ ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ, МАДАНИЙ ВА БИЗНЕС МАРКАЗИ СИФАТИДАГИ НУФУЗИ ЮКСАЛМОҚДА

(Бошланиши 1-саҳифада).

Давлатимиз раҳбари Конгресс-холл ва меҳмонхонада юкори даражада хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш юзасидан қўшимча кўрсатмалар берди.

Президентимиз Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази қурилиши билан танишди.

Шавкат Мирзиёев ўтган йил июнь ойида бу ерда рамзий тамал тоши қўйган, декабрь ойида яна бир бор ташриф буюриб, юртимиз тарихини даврлар бўйича, ҳар бир аср ва алломага оид манбалар, ашёлар асосида намоёниш этиши, қурилишни тақомиллаштиришга доир тавсиялар берган эди.

Ўтган вақт мобайнида бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Иморатнинг асосий қисми қурилди, айни пайтда томининг металл конструкцияларини монтаж қилиш ва бетон тўшама ишлари бажарилмоқда.

Уч қаватли марказ лойиҳаси шарқона услубда ишланган бўлиб, ундан анжуманлар ва кўргазма заллари, қадимий қўлёзма ва осори-атикаларни таъмирлаш бўлимлари, тарихий нанба ва ашёларни сақлаш хоналари, кутубхона ўрни олади. Бинонинг симметрик марказида Усмон Қурыони зали жойлашади. Ахборот-ресурс маркази, илмий кафедралар ва бошқа хоналар энг юкори қаavatга бўлади.

Бугунги кунда фасад ва залларни бадий беазага, керамика ишларига ҳозирлик кўрилмоқда. Франциялик мутахассислар билан худуднинг ландшафт дизайнини барпо этиш бўйича лойиҳа тайёрланмоқда.

Президентимиз қурилишни кўздан ке-

чирди, бинонинг ички ва ташқи кўриниши, гўмбаз ранглари учун танланган намуналар билан танишди. Ушбу марказ ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимиз меросини ўрганадиган, динимизнинг асл моҳиятини халқимизга етказадиган илмий-маърифий маскан бўлиши кераклиги таъкидланди.

Юртимиздаги иккита олий ва етгита ўрта махсус диний билим юрти бу ерда “кайнаши” керак, уларга ҳам жой бериш зарур. Чунки илм шу ерда бойитилади, талабалар олган билимининг марказдаги буюк аждодаларимиз меросига оид қимматли далиллар билан мустаҳкамлайди, деди давлатимиз раҳбари.

Алломаларимизнинг буюк меросини ёш авлод қалбига синдириш учун залларга уларнинг ҳайкаллари, илмий кашфийетлари, қўлёзмалари, ўша даврга оид тарихий ашёларни ўрнатиш бўйича тавсиялар берилди. Бу жамиятда “Жаҳолатга қарши – маърифат” тамойилини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу марказ орқали халқимизнинг илм-маърифат, маданият ривожига қўшган ҳиссасини муҳраб кўймоқчимиз, шундай улғў меросни халқимизга, ёшларимизга етказмоқчимиз. Ислам цивилизацияси маркази мана шундай илмий муассасалар учун фундаментал база бўлиши лозим. Ўзбекистон халқаро ислом академиясидаги ўқув ишлари бу марказ билан ҳамоҳанг бўлиши, талабалар юкори курсларни шу ерда ўқиш, ўқитувчилар малака ошириши керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи олдига адид

музеи ва унинг номида мактаб барпо этиш лойиҳаси муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари ушбу мактабда ардоқли ёзувчимиз дахосига хос муҳит бўлиши, унда таълим олган болалар миллий адабиётимизга ўзгача меҳр билан камол топиши зарурлигини таъкидлади. Мутасаддиларга лойиҳани тақомиллаштириш бўйича топшириқлар берди.

Президентимиз жорий йил 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида келаси йил Галабининг 75 йиллиги байрами олдидан Тошкент шаҳрининг энг кўркем масканларидан бирида ушбу шонли санага бағишда Галаба боғи барпо этилишини таъкидлаган эди.

Айни пайтда пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 11,6 гектар майдонда ушбу боғни бунёд этиш режалаштирилмоқда. Давлатимиз раҳбари унинг лойиҳаси ва қурилиш концепцияси билан танишди.

Галаба боғини барпо этишдан мақсад ёшларда тарихимиздан гурунларини туйғу-сини кучайтириш, Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган қаҳрамонларимиз номини абадийлаштиришдан иборат.

Бу боғ халқимизнинг буюк галабага қўшган ҳиссасини намоён этиши, ота-боболаримизнинг қаҳрамонлигини боқийлаштириши керак. Бу ерда Иккинчи жаҳон уруши муҳити, ватандошларимиз қатнашган жанглар ҳақида маълумотлар акс этиши зарур, деди Шавкат Мирзиёев.

Боғнинг кириш қисмида Галаба аркаси ўрнатилиши кўзда тутилган. Генерал Собир Раҳимов ҳайкали олдига енгил конструкцияли амфитеатр ва катта сахна қурилади. Боғда уруш даври мазаралари, жумла-

дан, оқон ва блиндажлар, чодирлар, дала ошхоналари ва бошқа лавҳалар акс этган композицион мажмуалар қурилади. Ўша даврдаги харбий техника ва курул-яроғ кўргазмаси очик осмон остидаги музей вази-фасини ўтайди. Музей, кутубхона, кинотеатр барпо этилиб, Wi-Fi зона, харбий тайёргарлик ва спорт худуди ҳамда сайилгоҳ ташкил этилади.

Ўзбек аёлининг матонати тимсоли сифатида Зулфия ая Зокирова, унинг урушдан қайтмаган беш фарзанди ва бева қолган тўрт келини хотирасига бағишланган “Матонат маҳжиси” ёдгорлик мажмуаси ўрнатилади.

Боғнинг маъно-маъмуни, экспозициясини чуқур ўйлаш керак. У фақат байрам кунлари эмас, йил давомида ишлайдиган бўлсин. Бу ерда келган ёшлар илҳомлансин ва руҳлансин, гурур-ифтихор туйсин, бугунги тинч кунларнинг қадрига етиб, ватанпарварлик ҳиссини мустаҳкамласин, деди Президент.

Мудофаа ва Маданият вазирилари, Фанлар академияси, Бадий академия, Тошкент шаҳар ҳокимлигига тарихчилар ва кенг жамоатчилик вакиллари билан маслаҳатлашиб, Галаба боғининг концепциясини тақомиллаштириш юзасидан кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ушбу улкан лойиҳалар пойтахтимизнинг илмий-маърифий, маданият ва бизнес маркази сифатидаги нуфузини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Матназар ЭЛМУРОВОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА муҳбирлари

БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИКДА КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

(Бошланиши 1-саҳифада).

Шу билан бирга, барча тармок ва худудларда тўлиқ фойдаланил-маётган резервлар ҳали қўпчилиги қайд этилди. Уларнинг раҳбар-ларига замонавий қорхоналар ва янги иш ўринлари ташкил этиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмининг ошириш юзасидан топшириқлар берилди. Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар ба-засини кенгайтириб, қўшимча тушулларини ижтимоий ва коммунал соҳаларни ривожлантириш, қишлоқ ва маҳаллаларни обод қилиш, аҳолининг ҳаётини яхшилашга йўналтириш бўйича аниқ вазифалар кўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг худудларга ташрифлари доирасида ишлаб чиқилган дастурлар ҳамда аниқ инвестиция лойиҳалари ижросини жаддалаштириш бўйича қўшимча чоралар кўриш, шу-нингдек, янги лойиҳаларни шакллантириш юзасидан топшириқлар берилди.


Шунингдек, йилгида шаҳар ва туманларнинг мёсморий ки-ефасини яхшилаш, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида уй-жойларни таъмирлаш ва аҳоли пунктларини ободо-лаштириш, ичимлик суви, электр энергияси тармоқлари, маҳаллий ва ички йўлларни қуриш-таъмирлаш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ҳолати кўриб чиқилди. Зарур молиявий ва бош-қа ресурсларни ўз вақтида ажратиш ҳамда ўзлаштириш, белгиланган ишларни сифатли бажариш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йилгида Вазирлар Маҳкамаси, вазирилик ва идоралар, хўжа-лик бирлашмалари ва худудлар раҳбарларининг ҳисоботи тинглан-ди. Хар бир тармок ва худудни ривожлантириш бўйича қўзланган марралар ва аниқ вазифаларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш учун тегишли раҳбарларнинг шахсий масъулиятини ошириш чоралари белгиланди.

ЎЗА

26-iyun — Xalqaro gijohvandlikka qarshi kurash kuni

ОГОҲ БЎЛИНГ!



Dolzarb mavzu

ТАХМИН ЭМАС, ТАҲЛИЛ МУҲИМ

Нега оилалар бузилади? Бу каби ижтимоий муаммоларни бартараф этишнинг қандай йўллари бор? Биз қайси ечимларни мақбул кўряпмиз?



ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАР УЧ ЙИЛДА АЖРАШАЁТГАН ОИЛАЛАР СОНИ 100 МИНГТАГА КЎПАЙМОҚДА.

Тадбирда “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази раҳбари, сенатор Дилором Тошмухамедова ҳам сўз олиб, бугунги кунда мамлакатимиз-да оилалар муаммоларини ўрганиш ва бартараф этишнинг уникал тизими шаклланишини қайд этди. Яъни аввал халқ ичда пишиб етилган муаммо аниқлашиб, сўнгги шу асосда социоло-гик сўров мавзуси ва методологи-яси ишлаб чиқилади, шундан кейин-гина тадқиқотга киришилади. Мазкур амалиёт давлат ва жамоат ташки-лотларининг ижтимоий шериклиги асосида олиб борилмоқда. Масалан, “Оила” маркази Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги тузилма ҳисобланади. Ле-кин унинг фаолиятини Хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” хайрия жамо-ат фонди, Ёшлар иттифоқи каби бир қанча йирик нодавлат ташкилотлари ҳамкорлиги кўмағисиз тасаввур қи-либ бўлмайди. Санаб ўтилганларнинг барчаси оила масаласидаги давлат си-ёсатини рўёбга чиқаришда беносита иштирок этмоқда.

1987 йилда БМТ Бош Ассамб-леяси ҳар йили 26 июнда Халқаро Наркومانяга қарши кураш кунини ўтказишга қарор қилди. Мамлукотларга кўра, 15 ёш-дан 64 ёшгача бўлганлар ора-сида қайд этиладиган ўлим-ларнинг 1,3 фоизи гиёҳвандлик оқибати-дир. Бу рақам бир йил-да 211 мингтаги ташкил этади. Европада гиёҳвандлик оқибати-да халок бўлаётганларнинг ўр-тача ёши 35 ни ташкил қилади. Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, гиёҳвандлик оқибати-да 1,6 миллион киши ВИЧга муфтало бўлади. 7,2 миллион киши эса С гепатити вирусини юктириб олади. 1,2 миллион киши Б гепатити вирусига ча-линади. Ҳаёт гўзал. Яшаш яхши. Шу гўзал умримизни хар хил иллатлар туфайли зулматга алмаштирмайлик.

Карим ЗАРИПОВ

Юқоридаги саволлар кетма-кетлигини узок давом эттириш мумкин: нега, қачон, қандай қилиб?.. Асосийси, ҳар бирига жуъали жавоб топа олишда. Ахир, минг-минглаб одамлар-нинг тақдирини, тинчилиги ва фаровонлиги ҳақида гап борганда, аниқ тахлилларсиз, шунчаки тахминларга таяниб фикр юрийтиб бўлмайди. Ҳар қайси хулоса амалий аҳамият касб этиши, илмий асосланган бўлиши керак. Юртимизда бир йилдан ортик вақт мобай-нида фаолият кўрсатиб келаётган “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази олиму мута-хассислари бу ишга камарбастадир.

Куни кеча марказ ташаббуси би-лан Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорли-гида “Замонавий намунали оилани биргаликда яратамиз” деб номлан-ган тақдимот семинари ўтказилди. Унда пойтахтимиздаги 11 та туман ҳокимларининг ўринбосарлари, маҳаллалардаги маслаҳатчи ва фа-

ланади, — таъкидлади Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари ва Хо-тин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Наҳмидинова. — Жуда кўп ишлар амалга оширилаётганига қарамай, афсуски, оилавий ажримлар дина-микаси ўсишда давом этапти. Охи-риги беш йилда бу рақам 34,5 фоизга ошган. Энг юкори коэффицент пойтахтда қайд этилди. Битта ои-лани саклаб қолиш жамиятдан ча-кана куч ва матонатни талаб қил-майди. Маҳалла маслаҳатчилари, хотин-қизлар қўмиталари мутахас-сислари нафақат ҳаётни тажрибаси бой, балки оилавий муносабатлар масаласида дунёвий ва диний би-

лими мукамал, ўзаро келишмов-чилик ҳамда низоларни бартараф этиш, музокара олиб бориш маҳор-ратига эга инсонлар бўлмоғи дар-кор. “Оила” маркази сўнгги йиллар ичда ўндан ортик илмий тадқиқот олиб борди. Гап замонавий оила мо-дели, ёш оилаларнинг муаммолари, ажримлар, норасмий никоҳлар каби ниҳоятда долзарб мавзулардаги йи-рик социологик сўровлар ҳақида бормоқда. Бундай ўрганишларнинг натижалари билан хар биримиз та-нишсак, жуда катта илмий манбаин қўлга киритган бўла-мик. Аминман-ки, ишимизнинг самараси ҳам кўп қарра ортади.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА 2 МИЛЛИОН 766 МИНГТА НАМУНАЛИ ОИЛА МАВЖУД. ШУНДАН САЛКАМ 300 МИНГТАСИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ҲИССАСИГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ.

Наргиза УМАРОВА



“КАМАЛАК” АЪЗОЛАРИ — КЕЛАЖАК ЭГАЛАРИ

Халқимиз болаларга ўзгача меҳр беради. Бу меҳрни бошқа ҳеч қардан топиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бизни болажон халқ дейишади. Ёшлар иттифоқи тасарруфидаги “Камалак” болалар ташкилотининг ишлари бу таърифга ҳар жиҳатдан мосдир. Ташкилот 3 миллион 600 минг нафар 7–14 ёшли аъзога эга.



2018 йил:

- Болалар манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишида 12 минг нафарга яқин ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига “Камалак”дан янги йил”, “Бахтли болалик”, “Ёзни Камалак билан”, “Аълочи болалар” каби лойиҳалар доирасида ижтимоий ва моддий кўмак кўрсатилди.
- 26 февраль – 26 март кунлари республикамизнинг 5 МИНГ 662 ТА УМУМТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ҲАМДА 153 ТА ТУМАН (ШАҲАР)да ўтказилган “Табиятни бирга асрайлик” лойиҳасида 633 минг нафарга яқин ўқувчи қамраб олинди.
- 26 август – 3 сентябрь кунлари Термиз шаҳридаги Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг “Халқаро ёшлар оромгоҳи”да “Дўстлик” форуми бўлиб ўтди. Унда “Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари” уюшмаси аъзолари, Сардорлар ва Етақчилар кенгаши аъзолари учун “Leader’s camp” ўқув-оромгоҳи ташкил этилди.



2019 йил:

- “Энг намунали сардорлар кенгаши” танловларининг худудий ва маҳаллий босқичларида 174 МИНГ НАФАР, “ЭНГ НАМУНАЛИ ТУМАН САРДОРЛАР КЕНГАШИ” танловининг худудий ва маҳаллий босқичларида 3 минг нафар сардорлар иштирок этди.
- 3 – 10 январь ва 5 – 9 март кунлари Термиз шаҳрида жойлашган Халқаро ёшлар оромгоҳида “Аъло таътил” дам олиш ва ижод оромгоҳи бўлиб ўтди. Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтида ташкил этилган умумтаълим мактаблари бошланғич ташкилот етақчиларининг 1 ойлик қайта тайёрлов курсида 60 нафар етакчи ишти-рок этди.
- 17 – 27 март кунлари Республикаимизнинг барча худудларида ва Тошкент шаҳрида жойлашган “Дўстлик” истироҳат боғида 16-17 март кунлари “Сумалак сайли” бўлиб ўтди. 200 нафар Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун байрам дастурхони ёзилди.
- Келажакимиз эрталарини ҳар томонлама барқамол қилиб тарбиялаш “Камалак” болалар ташкилотининг асосий вазифаларидан бири. “Камалак” бу каби эзгу ва хайрли лойиҳаларни амалга оширишдан асло тўхтамайди.

Жамшид МУСУРМОНОВ

30-iyun — Yoshlar kuni

ОИЛА ТИНЧЛИГИ – ЮРТ ТИНЧЛИГИ

Мамлакатимизда 2 МИНГДАН Ортиқ Ёш оила МАВЖУД. Мазкур кўрсаткич ўтган йилгига нисбатан 500 тага ошган. Шунингдек, ёш оилалар ўртасида 3 МИНГДАН Ортиқ ажрим ҳолатлари қайд этилди. Рақамлар ўтган йилнинг биринчи чорагига нисбатан 1 МИНГ 164 тага камайганини ифодаласа ҳам, айрим ҳудудларда кўрсаткичлар ҳамон юқориликгича қолмоқда. Буни қуйидаги рақамларда кўришимиз мумкин.



Қайд этилган муаммолардан келиб чиқиб, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ёш оилалар ўртасида ажрим, эрта туғруқ ва эрта турмушнинг олдини олиш мақсадида Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши Ёш оилалар билан ишлаш бўлими томонидан 66 мингдан ортиқ ёш иштирокида 550 дан ортиқ тарғибот тадбирлари ўтказилди. Тадбирлар давомида ёшларга психологик, ҳуқуқий билимлар берилди.

ортик ажрим ёқасидаги ёш оилалар яраштирилди. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларга оилавий муносабатларнинг маънавий-ахлоқий асослари, оила иқтисодиёти ва бюджетини юритиш, репродуктив саломатлик, оила психологияси бўйича билим бериш мақсадида ҳудудларда жами 78 та “Келин-куёвлар инновацион мактаби” фаолияти йўлга қўйилди. Ўқув курсларида сабоқлар малакали ва ҳаётий тажрибага эга бўлган тренерлар томонидан ўтилиб, оилавий



дини олиш, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш ва миллий менталитетга зид бўлган хавф-хатарларнинг олдини олиш мақсадида нотинч ва муаммоли, айниқса, оғир ижтимоий шароитдаги ёш оилалар билан ўтказилган индивидуал суҳбатлар, тарғибот тадбирлари натижасида 600 дан

хаёт остонасида турган 7 минг 840 нафар ёш ўқитилди. Шунингдек, соҳага оид қатор қонун ҳужжатлари асосида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, замонавий намунали оилани шакллантириш, унинг маънавий-ахлоқий, диний негизлари ва анъанавий қадриятларини

2019 йил 1-чорагида ёш оилалар ажрим кўрсаткичи:



ёшлар онгига сингдириш, тўй-ҳашам, оилавий тантана ва маросимларни ихчамлаштириш, бу борада ёшларнинг ташаббусларини амалга ошириш мақсадида чора-тадбирлар, лойиҳалар

ишлаб чиқилди. — Ажралиш арафасида турган оилаларнинг 47 фоизи эр-хотин келишолмаслиги, 22 фоизи қайнона-қайнота, учинчи шахс аралашуви туфайли

шундай аҳволга келган, — дейди Ёш оилалар билан ишлаш бўлими мудири Гулчехра Ашурова. — Булар ажрим сабаблари орасида энг юқори ўрида турди. Ишсизлик, хиёнат, фарзанд-

Ажралиш арафасида турган оилаларнинг 47 фоизи эр-хотин келишолмаслиги, 22 фоизи қайнона-қайнота, учинчи шахс аралашуви туфайли шундай аҳволга келган




сизлик қабили кичик сабаблар сифатида қайд этилади. Аксарият ёшлар ажралиш натижасида барча муаммодан қутуламан, деб, келажакни ўйламай иш тутди. Ҳамма муаммо ажримдан кейин юзага келишини билмайди. Эътибор қаратадиган бўлсак, соҳага оид муаммолар бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Бугун оддий бўлиб кўринган хато эртага қатта жароҳатга айланиши мумкин. Масалан, эрта никоҳ қуриш, эрта туғруқ натижасида она ва бола вафоти, иродасизлик, оилавий муносабатларга ёшларнинг тайёр эмаслиги каби ноҳуши ҳолатлар юзага келади. Булар жамият тараккиёти учун тушов бўлиб, бошқалар онгига салбий таъсир кўрсатади. Тизим фаолияти бўйича мавжуд масалаларни ижобий ҳал этиш борасида ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Иттифок туман(шаҳар) кенгашларида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ёш оилалар билан ишлаш бўйича масъул ходимлар йўқлиги, Ёшлар иттифоқи, “Оила” маркази, Хотин-қизлар кўмитаси, Маҳалла кенгаши, ФХДБ бўлимлари билан ҳамкорликни тизимли равишда йўлга қўйиш муаммоларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маъмура ХУҲАҚУЛОВА

ЁНДАШУВ – ИЛМИЙ, НАТИЖА – АМАЛИЙ

ЮРТИМИЗ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА 6 МИНГ 437 НАФАР ЁШ ФЕРМЕР 12 ТА ЙЎНАЛИШДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДА.

Республикаимизда ёш фермерлар сонининг йиллар кесимидаги ўсиш ва камайиш динамикаси:



Қайта ишлашни йўлга қўйган ва янги иш ўринлари яратган ёш фермерлар

Худудлар	Шундан			
	Қўл тармоқли	Маҳсулотини экспорт қилаётган	Қайта ишлашни йўлга қўйган	Яратилган иш ўринлари
Қорақалпоғистон Республикаси	138	4	6	10338
Андижон	179	8	9	11124
Бухоро	106	6	6	9883
Жиззах	126	5	4	14548
Қашқадарё	169	7	7	13274
Навоий	63	5	6	6752
Наманган	76	8	9	8673
Самарқанд	81	7	7	13884
Сурхондарё	89	8	10	10176
Сирдарё	54	6	6	6697
Тошкент	84	6	6	13256
Фарғона	89	8	11	10627
Хоразм	68	5	7	7982
Жами:	1 минг 322	83	94	137 минг 214



Махмуд ИНОЯТОВ, фермерлар билан ишлаш бўлими мудири:


— Қишлоқ хўжалиги соҳасида маълум муддат илмдан етарлича фойдаланилмади. Ваҳоланки, ота-боболаримиз барча соҳада илмга таянган. Масалан, дарахт қўчатини экишда ниҳолга қўшиб, бир ховуч бўғдой ҳам қўмилади. Чунки зарарли ҳашаротлар биринчи донни ейди. Бу орада янги ўтказилган қўчат ўзини унглаб, ерга мослашади. Ўтган давр мобайнида Иттифок замон талабига жавоб бера оладиган фермерлар синфини шакллантириш учун қатор лойиҳаларга қўл урди. Жумладан, 2018 йилнинг 12-13 март кунлари Россия Федерациясининг “Nita-farm” компанияси билан ҳамкорликда “Animal keeping” мавзусида ветеринария ва зоотехния форуми ўтказилди. Таъкидлаш керак, бу компания дунёда ўзининг илмий-амалий тажрибаси билан ажралиб туради. 2018 йилнинг 20-24 март кунлари Ёш фермерлар кенгашининг 3 нафар ходими ва 2 нафар ёш фермер “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва техникалари” номли халқаро кўргазмада, шу йили 8 нафар ёш фермер Япониядаги халқаро ўқув семинарларида иштирок этди. Бу йил яна 8 нафар ёш фермер Японияда малака оширади. Жорий йилнинг март ойида 8 кишидан иборат ёш фермерлар гуруҳи Латвия, Чехия, Германия ва Польша давлатларида малака ошириб қайтди. Хизмат сафари давомида Германиянинг “Халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма қассалар фонди” билан ҳамкорлик ўрнатилди.

Бобарован ҲОЗИДИНОВ тайёрлади.

Сўнгги икки йилда ёш фермерлар ва фермерлик фаолияти билан шугулланиш истигадаги ёшларнинг муаммолари, хоҳиш ва истаклари ўрганилганда қуйидагилар маълум бўлди:

- 3 минг 510 нафар ёш фермерлик фаолиятида муаммога дуч келган;
- 2 минг 183 ўғил-қиз фермерлик фаолиятини бошлаш истигини билдирган.
- Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида: 923 нафар ёш фермерлик фаолиятини бошлади; 420 миллиард 22 миллион сўм кредит ажратилди; 1 минг 237 нафар ёшга ер майдони ёки бинолар берилди; 308 та агротехника билан таъминланди.

2017 – 2019 йилларда ёш фермер ва фермерлик фаолиятини бошламоқчи бўлган 632 нафар ўғил-қизга “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси ва бошқа ресурслар орқали жами 71 миллиард 526 миллион сўм кредит ажратилди.





Hayot manzarasi

UCHI TUGILGAN RO'MOL

Uyni to'ldirib o'tirgan ayollar orasidan beixtiyor momomni qidiraman. Afsus, u endi yo'q. Hayot bo'lganida 106 yoshni qarshilagan bo'lardi... Momom gapga chechan edi. Ko'p hikoya va matallar aytib berardi. Hayotiy voqealar. Ularni eshitib o'sganman.

— Qahraton qishning o'rtalari edi, — deya lablarini choy bilan namlab hikoyasini boshlaydi momom. Shu tob opalarimdan ajralib, momomga yaqin o'tirdim. — Izg'irin sovuq, ko'chada vahimali qadam tovushi eshitildi. Nagani shiqirlatib, NKVD pastqam eshikdan egilib kirdi. Shop mo'yovli bu kimsaning sovuq nigohi butun uyning havosini buzgandek edi. Arava gilamchani uchidan ushlab bir tortgan edi, uchta bolam yerga to'p-to'p etib tushdi. Oxirgi molimiz — to'shog'liq gilamimizni ham olib ketdi. Otam va qaynotam quloq qilgan, erim esa qidiruvda. Bu zamoning azoblarini ko'rib, ko'zlarimiz o'yildi. Yigirma ikkiga ham to'lmagandim. Ha, juda yosh edim!

Bobongni qamoqqa olgani kelganida, mirshablar tanish bo'lgani uchunmi, bobong ularni uyga taklif qiladi. "Boramiz-boramiz, bir kelibsizlar-da, og'aynilar, choy-poy ichaylik qani!", deydi. Mirshablar dasturxon atrofiga o'tirgach, mezbon tokhada turgan dandan sopli pichoqni qo'lga oladi. "Bu xanjar, — deya tushuntiradi bobong. — Ikki tig'li, mana, dastasining o'zi ham bir ura, kishini joyida qotiradi. Mana bunaqa qilib, dushmani uzog'dan ko'zlab o'tsangiz ham nishonga naq tegadi", deya tig'ini yaltirab maqtashga tushadi. Mehmonlarning yuragi orqaga tortib, qo'rquvdan qotib qoladi. Bobong shu taxlit ularni aldab, qochib ketgan.

Ammo ot choptirib ketayotganida kolxoz raisi tutib bergan. Keyin to'rt devor ichiga qamab qo'yishdi. Faqat shiftning o'rtasida yorug'lik tushib turishi uchun tuynuk bor. Xullas, tashqarida mirshablar olov yoqib o'tirishganda, o'sha tuynukdan bir amallab qochib qolgan. Bobong juda chayir, chapdast edi, — deb maqtab qo'yadi orada momom. — Tun yarmida eshik taqilladi, chiqishga qo'rqdim. "Oftob, hey Oftob!". Erimning ovozi edi bu. Qarasam, darvoza oldida qora sharpa meni imlab chaqiryapti.

— Agar meni so'rab kelisha, o'zingni bilmaganlikka olib, dod sol, to'polon qil, — deya tayinladi-yu, devordan bir sakrab, ko'chaga chiqib ketdi. Tuni bilan

uxl olmay, bolalarimning tepasida o'tirib chiqdim. Tong otib, ko'zim ilinibdi, shekilli, bir mahal eshikni kimdir vajohat bilan ura boshladi. Irimiga ro'molimning bir uchini tugib oldim-da, boshimga tashlab, tashqariga chiqdim (ayollar ro'molining bir uchini tugib olsa, hamma ishi o'ngidan kelar ekan). Eshikni ochganimda, qarshimda ikki mirshab turardi. Erim ham bormikan, degandek jo'rttaga ularning ortiga qaradim.

ERIMNI OTIB TASHLAB, YANA SO'RAB KELDILARINGMI?! VOY-DOD! ERIM QANI?! TOPIB BERING ERIMNI! — DEYA YOQALARIGA YOPISHDIM. QILDIM TO'POLON. QO'RQQANLARIDAN URA QOCHDI.

— Assalomu alaykum, mulla akalar! Tinchlikmi?

Mirshablardan biri avval bo'yini cho'zib, hovlimizni obdon ko'zdan kechirdi. Lekin ko'ngli to'lmay, eshikni bir tepib ichkariga kirib, o'dag'aylay boshladi.



— Qani u? — qo'lidagi qamchisidan charsillagan ovoz chiqdi. Bolalarim ichkari darchadan mo'ltirabgina qarab turibdi. O'zimni bilmaganlikka olib, erim o'rgatgandek to'polonni boshladim.

— Voy o'lmasam!!! U kishi kelgani yo'q! Ushlab olib ketgan edingiz-ku?! Ey Xudo! O'ldirib keldilaringmi?! Erimni otib tashlab, yana so'rab keldilaringmi?! Voy-dod! Erim qani?! Topib bering erimni! — deya yoqalariga yopishdim. Qildim to'polon. Qo'rqqanlaridan ura qochdi.

Bobong har to'rt-besh kun oralab biza xabar olib ketardi. Men esa hech narsadan bexabardek. "Erimni ko'rganim yo'q, otib yuborgansizlar!", deb tu-

rib olgandim. Qidiruv uzoq cho'zildi. Ochiq mozorlar ichiga yashirib olgan erimni ushlay olishmadi...

Momom ko'ziga yosh oldi. Keyin jilmayib, so'zida davom etdi:

— Bizni boshimizdan o'tgan kunlarni yoza, bitta katta asar bo'ladi, bolam, — deya boshimni silab, peshanandan o'pdi...

Shu payt tashqaridan dadamning ovozi eshitildi:

— Qizlar, qani, uyga ketdik!

Momom xuddi burungidek katta oq ro'molini boshiga tashlab, yuzini berkitdi. Ro'molining bir uchi tugilgan. Ichida surmadon, oynakcha, taroq borligi bilib turibdi. Momomni kuzatib, hayron qolardim — hatto yoshgina o'g'il boladan ham yuzini yashirib olardi. Itoatkorlik, ibo-hayo va katta-kichikka birdek hurmat tuyg'usidir bu. Buvimning mana shunday go'zal tashqi va ichki olamidani ibrat olardik.

Gulandom UMAROVA

Ko'ngildan ko'chirmalar

Gar bolalikka qaytsam...

Agar yana baxtli bolalikning "podsho"si bo'lsam: — o'sha men uchirgan varraklar yana samoda parvoz qilsa, onam yopgan kulchalarning isi dimog'imni qitqlasa, jajji qizchani tabassumi yana avvalgidek zohir bo'lsa, bolalikda "Orzular mamlakati"ga yuborgan qog'oz qayiqcham yana ortga qaytib kelsagina — hozirgi men'dagi hamma narsani qaytib berishga tayyorman...

Madinayi MUNAVVARA

Paradoks

"Ajrashganimizdan beri qo'ng'irog'ini kutaman... javob bermaslik uchun".

Mubashshir AHMAD

Jajjilar suhbatlari

— Sen kimga o'xshashni xohlarding?

— Buvimga.

— Nega?

— Chunki ularni yaxshi ko'raman. Bilasanmi, bobom bilan buvim bitta ko'chada yashab, ulg'aygan. Bitta maktabga borgan. Keyin turmush qurib, butun umr birga yashagan. Sen-chi? Sen kimga o'xshashni xohlarding?

— Bobongga!

Hulkar E'ZOZ

Poyezd

— Dadasi, ishga kechikasiz. Poyezd ketib qoladi.

— Shoshma, biroz o'nay bolalarim bilan. Vaqti kelib qo'msaganimizda poyezd ketib bo'ladi.

ASLIDDIN

Ko'ngil

Yarim tun. Uyqu uchdi. Chol shiftga uzoq terilib yotdi va kampiriga dedi: — Qara, shuncha yil birga yashab, menda ko'ngling bormi, deb so'ramabman-a?!

— ...

Chol kampirning sovigan qo'lga tegib sergaklandi...

G'aniher HAQNAZAROV

Baxt hissi

Er ayolidan so'radi:

— Baxtlimisan?

— Siz-chi?

Beshkdagi chaqaloq yig'lab, g'ashlik qila boshladi. Shunda ular dunyodagi eng baxtli insonlardan ekanligini his qildi.

Quvonchbek KARIMOV

Birinci tashabbus bo'yicha:

1. San'at turi. 2. O'zbek kulgi darg'asi, mashhur kino va teatr aktyori. 3. Musiqa ijrochiligi turi. 4. Buxorodagi me'moriy yodgorlik. 5. O'zbekiston musiqa san'atiga ulkan hissa qo'shgan o'zbek san'atkorlari oilasi. 6. Suratlashlik, ijodkorlik. 7. San'at turlari orasida eng muhimi. 8. Yoshlar dam olish maskanlaridan biri. 9. "O'talar so'zi" — aqlning ko'zi ko'rsatuvida mushfiq ona timsolini gavdalan-tirgan O'zbekiston xalq artisti. 10. Sirk xodimi. 11. Torli chertma musiqa asobi. 12. San'atning nafis turi. 13. Milliy musiqa asboblarining umumiy nomi.

Ikkinchi tashabbus bo'yicha:

1. Aql charxi. 2. Sportchilar tayyorgarligiga bosh bo'lgan mutaxassis. 3. Misli ko'rilgan muvaffaqiyat. 4. "O'zbekiston iftixori" faxriy unvoniga sazovor bo'lgan olimpiada chempioni, bokschi. 5. Yonilg'isiz yuradigan ulov. 6. Engil atletika sporti anjomi. 7. Jahon Olimpiya qo'mitasiga asos solgan shaxs. 8. O'zbekiston futbol klublaridan biri. 9. Rio - 2016 olimpiadasi g'olibi, professional bokschi. 10. Olimpiada o'yinlari rekordini o'tatgan og'ir atletikachi. 11. O'zbekiston mudofaasiga ko'maklashuvchi tashkilot.

Uchinchi tashabbus bo'yicha:

1. Madaniyat muassasi. 2. "Bizga ..., shoirilar, haqiqiy jasur kurashchilar lozim". Oybekning "Nur qidirib" asaridan. 3. O'zbek mumtoz adabiyotining yirik vakili, buyuk shoir va davlat arbobi. 4. Kitob taxlash va sotish joyi. 5. O'zbek mumtoz nazmiya keng qo'llangan she'riy o'lchov. 6. "MehnatQahramoni" unvoniga sazovor bo'lgan o'zbek shoirasi. 7. Tasavvufning mashhur namoyandalardan biri, shoir. 8. Voqea-hodisalar izchil tarzda qayd etib borilgan tarixiy hujjat. 9. San'atning so'z, til vositasida badiiy obrazlar yaratuvchi

"BESH TASHABBUS"



turi. 10. "Maqsud Shayxzoda talanti shoir, mohir ..., mehribon o'qituvchigina emas, u atoqli olim hamdir". "Adabiyot" jurnalidan. 11. Tarqatuvchi, chop etuvchi, chiqaruvchi. 12. Atoqli o'zbek yozuvchisi va davlat arbobi. 13. Xalqning yurak kulgiga aylangan she'riy so'z egasi bo'lgan shoir, O'zbekiston Qahramoni. 14. Sadoqat, va'dani bajarish.

To'rtinchi tashabbus bo'yicha:


1. Global va lokal kompyuter tarmoqlarini o'zaro bog'lovchi butunjahon kompyuter tizimi. 2. Bosma axborotni uzatishga mo'ljallangan telefon aloqasi. 3. Elektron sahifa. 4. Chiqarib olinadigan dastur ta'minoti. 5. Kompyuter moslamasi. 6. Zamonaviy uyali aloqa operatorlarining ommabop xizmati. 7. 1968-yilda birinchi shaxsiy kompyuter yaratgan rossiyalik olim. 8. Butunjahon erkin ensiklopediyasi. 9. Qidiruv tizimi yoki internet portali. 10. Kompyuter boshqaruv puliti anjomi. 11. Ma'lum bir turga oid masalarni yechishda ishlatiladigan amallarning muayyan tartibda bajarilishi haqidagi aniq qoida, dastur. 12. Inson tafakkuri boshqaruvchisi.

Beshinchi tashabbus bo'yicha:

1. Xotin-qizlar uchun eng kerakli kasb. 2. Uyda ishlaydigan hunarmand, ishchi. 3. Ish quroli. 4. Milliy mato. 5. Mahsulotning talabga javob berish xususiyati. 6. Mashinada ilmoqlab to'qilgan mato va undan tayyorlangan kiyim. 7. Xom ashyo. 8. "Egnida uzun qizil shohi ko'yak, kimxob ..., boshida shaftolirang yorqin tovlangan ipak durracha". Oybekning "Tanlangan asarlar"idan. 9. Kiyim-bosh"idan, poyabzallarni bichishda ishlatiladigan nusxa-qolip. 10. Xizmat ko'rsatish ustaxonasi. 11. Kiyim qismi. 12. To'qima ashyo. 13. Namat, to'shama. 14. Tikuvchilik mashinasini yaratgan olmon ixtirochisi.

Tuzuvchi: Shavkat HIDOYATOV

O'qing, bu qiziq!



Jirafa nafaqat bo'yi, balki tili ham eng uzun hayvonlardan biri bo'lib, tilining uzunligi qariyb 50 sm ekan. Shu sabab ham u o'z quloqlarini tili bilan tozalaydi. Yana bir jihat — ko'pchilikning nazdida tuya eng ko'p vaqt suvsiz yura oladigan hayvon. Biroq yaqinda olimlar jirafaning tuyaga nisbatan ko'proq muddat suvsiz yura olishi mumkinligini isbotladi.



MUASSIS
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuoti va
axborot agentligida 2017-yil
2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta
ro'yxatdan o'tgan.


BOSH MUHARRIR
Faxriddin KARIMOV
TAHRIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Bogmat Ochilov, Madamin Safarov, Azim Mirzajonov,
Mehrinov Abbosova, Ra'no Shodiyeva, Shodmonqul Salomov,
Hamza Abdullayev — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"),
Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Molodjeh Uzbekistana"),
Javlon Vafoyev — mas'ul kotib ("Yoshlar ovozi"),
Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Molodjeh Uzbekistana")

Navbatchi
Hasan
USMONOV

Dizayner
Xurshid
ABDULLAYEV

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (71) 150-22-74,
(71) 233-95-97
(71) 233-79-69 (faks)



"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi.
Hajmi — 2 bosma taboq.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.
Indekslar: 203, 3203
Bahosi kelishilgan narxda.
Buyurtma G-613
Adadi — 20928
Boshiga topshirish vaqti — 21.00
Topshirildi — 01.10
O'ZA yakuni — 23.05